# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 29 август, № 170 (4580) Жума


# ШҲТнинг навбатдаги саммити

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27-28 август кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида қатнашди.




Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Душанбе аэропортида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.

Саммит ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.

Президентлар ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Сиёсий соҳадаги алоқалар, савдо-иқтисодий муносабатлар, маданий ва гуманитар ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Президентлар минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси кузатувчи мақомидаги давлатлар вакиллари — Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Мўғулистон ташқи ишлар вазири О. Санжасурэн, Ҳиндистон нефть-газ ресурслари вазири М. Деора, Покистон Бош вазирининг федерал вазир мақомидаги маслаҳатчиси М. Дурани ҳамда саммит меҳмони — Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай иштирокида кенгайтирилган тартибда давом этди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Тоштемиров Бахриддин Зиядуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳарбий госпиталининг бўлинма бошлиғи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»**

**Мирбабаев Бахтияр Шамсутдинович** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари

*Мамлакат Қуролли кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишдаги катта хизматлари ҳамда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик намунасини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Ибрагимов Илхом Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Раисининг ўринбосари – Чегара қўшинлари қўмондони

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**

**Джалалов Сабит Джамолович** — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармасининг профилактика катта инспектори

**Йўлдошев Зиёдулло Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

**Колмиков Петр Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Экспертиза ва криминалистика марказининг бош эксперти

**Мусаев Дамир Мирабидович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг доценти

**Ҳасанов Тохир** — Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ички ишлар бўлимининг профилактика катта инспектори

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Арипов Хурсан Хайруллаевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг бўлинма бошлиғи

**Ачилов Анвар Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бегматов Икрам Имамович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона комплекслари ва постларини инспекциядан ўтказиш бошқармасининг "Айритом" божхона комплексидаги вакили

**Файзиев Жамшид Ботирович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи

**Шарапов Атажан Маматханович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг кафедра бошлиғи

**Эргашев Собир Ортикович** — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (мазкур Қарорнинг 7-бандида назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, мазкур Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилсин.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган; муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) мазкур Қарорнинг 1, 2, 5 ва 6-бандлари — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.

8. Белгилаб қўйилсинки, мазкур Қарорнинг 3 ва 4-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

9. Сенатнинг тегишли Қўмита ва Комиссиялари мазкур амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 август,
№ 529-I.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

**28 августда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилди.**



Ялпи мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти ўтказилаётган тадбир кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини парламентнинг юқори палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Пировардида тегишли қарор қабул қилинган мазкур масала муҳокамасида қабул қилинаётган амнистия тўғрисидаги ҳужжат мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида, давлат ва ижтимоий қурилишида инсонпарварликнинг яна бир ёрқин ифодаси эканлиги қайд этиб ўтилди.

Амнистия тўғрисидаги ҳужжат биринчи марта жиноят содир этган маҳкумларни — аёлларни, 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, шунингдек, чет эл фуқароларини жазодан озод қилишга қаратилган. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, сил касаллигига чалинган шахслар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, агар улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, амнистия акти асосида жазодан озод қилинадилар.

Сенат ўзининг қарори билан амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланиш тартибини ҳам белгилаб берди, унда амнистия бўйича жазодан озод этилиши жоиз бўлган шахсларга тааллуқли ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомиллари белгиланмоқда. Шу билан бирга, амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қўлланиши ҳамда ошкораликни таъминлаш устидан жамоат назоратини амалга оширишда сенаторларнинг, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг ҳамда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили минтақавий вакилларининг фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Амнистия тўғрисидаги ҳужжатда жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ва ҳимоясига қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш, хусусан, уларнинг тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёрдамга муҳтож, ёлғиз

(Давоми 3-бетда).

# ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

**Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.**

***Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида парламентимиз юқори палатаси аъзолари ўз ишларини "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорни кўриб чиқишдан бошлашди.***

Муҳокамалар чоғида сенаторлар амнистия эълон қилиниши инсонпарварлик, меҳр-мурувват, саховат, кечиримлилик каби халқимизга хос эзгу фазилатларнинг ёрқин ифодаси эканлигини эътироф этишди. Айни пайтда мазкур ҳужжат Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жараёнининг мантиқий давоми эканлиги қайд этилди.

— Аввалги йиллардагидан фарқли равишда бу йил нафақат Сенатнинг амнистия тўғрисидаги Қарори, балки уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом ҳам қабул қилинди, — дейди сенатор Мавжуда Ражабова. — Бунда амнистия тўғрисидаги актни қўллашда ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлашни амалга оширишда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман минтақавий вакилларининг фаол иштироки кўзда тутилган. Демак, олдимизда ялпи мажлисда қабул қилинган мазкур ҳужжатларнинг амалда ижро этилиши юзасидан катта вазифалар турибди.

— Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, "Оила йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили" каби давлат дастурлари доирасида фуқароларнинг, айниқса, болалар, хотин-қизлар, ёшларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш учун барча шароитлар яратилган, — деди сенатор Нодира Каримова.

Қабул қилинган амнистия актида ҳам асосий эътибор биринчи марта жиноят содир этган аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар, шунингдек, кексаларга қаратилган. Шундай қилиб, давлатимиз уларнинг тўлақонли ҳаётга қайтиши ҳамда жамиятга қўшилиши учун имкон бермоқда. Афв этилганлар нафақат озодликка чиқадилар, балки уларни ишга жойлаштириш, турмуш шароитларини яхшилаш бўйича ўтказиладиган яхлит тадбирлар натижасида янгича турмушнинг фаол иштирокчисига айланадилар.

— Амнистия, энг аввало, қамоқдаги аёлларга ва жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек, 60 ёшга тўлган эркакларга ва чет эл фуқароларига татбиқ этилади, — дейди сенатор Светлана Герасимова. — Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар озодликка чиқариладилар. Амнистия тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганининг яна бир далили ҳисобланади. Унинг ижроси жиноий жавобгарликни амалга оширишга дахлдор барча идоралар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир. Бу кўрсатмалар кенг тоифадаги шахсларга татбиқ этилиб, уларнинг қарор эълон

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

### «Дўстлик» ордени билан

**Кувшинова Лариса Михайловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Мардиева Тулкуной Касимовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Стекольников Анатолий Михайлович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси илмий тадқиқот бўлимининг катта илмий ходими

**Туляганов Абдухалил Абдужалилович** — Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети бошлиғининг ўринбосари

**Фролов Владимир Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Якубова Зульфия Исмайловна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси терговчиси

### «Жасорат» медали билан

**Акрамов Журабек Мамасолиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Аллаев Баходир Кахрамонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Анарбоев Нумон Махамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг ҳайдовчиси

**Атаханов Хамза Атаханович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Атаханов Муродходжа Алиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг взвод командири

**Ахмедов Ойбек Асилджанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ашуров Алижон Ганиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бобоқулов Эркин Бўриевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Вильдгрубе Константин Константинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дусимов Гулимбай Шомуротович** — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальонининг гуруҳ командири

**Жўраев Жахонгир Турғунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ибрагимов Салим Исакович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш гуруҳининг командири

**Имонов Журабой Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг бўлим прокурори

**Искандаров Умид Чориевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Исмаилов Санжар Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Лазизжон Бахтиёрович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг инспектор-кинологи

**Кодиров Сардорбек Тохиржонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отрядининг катта техниги

**Коленко Евгений Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**Қўзиев Умаржон Бекмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қулназаров Бахтиёр Мухаммадович (марҳум)** — Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ёнғин ўчирувчиси

**Қурбанов Абдурауф Жанизақович** — Жиззах вилояти Бахмал тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Маматов Абдимумин Рахмонкулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш гуруҳининг бош мутахассиси

**Мирзалиев Иброхим Пардакулович (марҳум)** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ёнғин ўчирувчиси

**Неъматов Жасур Аминжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Норхужаев Тургун Махамадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг взвод командири

**Нуримов Джонибек Бахриллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш гуруҳининг бош мутахассиси

**Отаев Акбархон Муродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси

**Пирматов Икромжон Ильхомович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рахимов Шермат Тўлқинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

**Сайдалиев Эльдар Анубарович** — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

**Салихов Игорь Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сейтимов Камилжан Караматдинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ташматов Гайратжон Гафурович (марҳум)** — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг катта тезкор вакили

**Туйчиев Пардабой Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси

**Турдимуратов Канжарбай Балтабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод секциясининг командири

**Усманов Элёр Очилович (марҳум)** — Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг милиционери

**Филипенко Сергей Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш гуруҳининг командири

**Хамидов Хамро Меликович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг командири

**Хамракулов Сабит Салижанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округи бошқарув аппарати муҳандислик хизматининг катта офицери

**Худойназаров Орибжон Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири

**Шарипов Баходир Раббимович** — Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ёнғин ўчирувчиси

**Шивалдов Василий Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вақтинча ушлаб туриш изоляторининг бошлиғи

**Эрсайдов Аминбай Рахимбаевич** — Жазони ижро этиш колонияларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот прокурори

**Юлдашев Хуршид Бахрамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бўлинма бошлиғи

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдуллаев Акмалжон Рахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

**Абдурасулов Санъат Хақбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ секциясининг командири

**Аввакумов Денис Олегович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари ўқув авиация звеносининг командири

**Азимов Собиржон Сохибжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси

**Астанакулов Бобомурод Кудратиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

**Бердиев Эркин Норманович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш ва патруль-пост хизмати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Буриев Дониёр Махаммадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи

**Вахобов Ахтам Уктамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Галаутдинова Дилбар Азимовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жураев Бахриддин Хабибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик хизматининг бошлиғи

**Карасева Антонина Яковлевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги алоқа тармоғининг телефонисти

**Каримбаев Туримбет Хожамуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта терговчиси

**Каримбоев Тоғайбек Анорбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Акрам Эгамберганович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округи жанговар тайёргарлик бўлимининг бошлиғи

**Кашин Вячеслав Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг цех бошлиғи

**Кузнецова Вера Михайловна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми бўлимининг етакчи муҳандиси

**Матякубов Шихназар Байжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг хизмат бошлиғи

**Нарзуллаев Шермат Рахматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мутахассиси

**Омонов Азамат Сагдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали умумий жарроҳлик бўлинмаси бошлиғи

**Рахматов Жахонгир Шомуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

**Рузиев Бахтиёр Алламуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги дивизионининг гуруҳ командири

**Салахитдинов Муртоза Махамадович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг цех бошлиғи

**Сиддиков Уйгун Патхиллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги МҲСК спорт жамоасининг бошлиғи

**Семенец Владимир Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг мутахассиси

**Ташбаев Акмал Эргашалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Турсунова Иззатхон Бахридиновна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турсунов Илхомжон Икромович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

**Хайдаров Бахтиёр Ганиевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқарма бошлиғи

**Хаиров Шакир Фаридович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг взвод командири

**Хамдамов Ноъманжан Олимович** — Наманган шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Хамраев Улмас Номирович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари алоқа тармоғи аппаратхонаси бошлиғи

**Хужманов Утамурат Мамарасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий суд-тиббий ва паталого-анатомия лабораториясининг бошлиғи

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Иброхим Тожибаевич** — Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Давлат солиқ инспекциясининг шўъба бошлиғи

**Абдуллаев Махаммаджон Нуманович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг гуруҳ командири ўринбосари

**Абдуллаев Нормурат Абралович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказининг кичик йўриқчиси

**Абдусатторов Жалол Хазратович** — Андижон вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи

**Андаев Шерали Худайкулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг йўриқчиси

**Ахмадалиева Мукаддамхон Нуманжановна** — Андижон вилояти хўжалик судининг судьяси

**Ахмеджанова Наиля Исмаиловна** — Хоразм вилояти прокуратурасининг девонхона мудири

**Аширова Замира Холиковна** — Қашқадарё вилояти Ғузор тумани прокуратурасининг катта инспектори

**Джамалов Хамиджон Нугманович** — Андижон вилояти Булоқбоши туман ҳуқуқий маслаҳатхонасининг адвокати

**Жонтўраев Шоназар Далабоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жумаев Отабек Атакулович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг катта терговчиси

**Жумаев Расул Норменглиевич** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Отчопар" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

**Зарипов Кахраман Хакимович** — Давлат фельдъегерлик хизматининг катта офицери

**Ибрагимов Азамат Нортожиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактабининг йўриқчиси

**Ибрагимов Исмат Хайруллаевич** — Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Кубелеков Ильдус Валиевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари ҳарбий қисми хизмати катта муҳандиси

**Курбанбаев Азат Турсинбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Маматкулов Махкамжан Абдулазизович** — Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги "Охунбобоев" қишлоқ фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

**Мирзахмедов Жахонгир Ганиджанович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Жанггоҳ" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

**Мухиддинов Бахтиёр Ишанбувеханович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг кардиология бўлинмаси бошлиғи

**Намазов Гулом Темирович** — Навоий шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

**Орипов Хайрулло Лутфуллаевич** — Фарғона вилояти прокуратурасининг катта терговчиси

**Соворенко Александр Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

**Таджибаев Анатолий Файзуллаевич** — Тошкент шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси

**Таджибаев Дилшод Отакузиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Умирзакова Шахринисса Субудиновна** — Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

**Хамидов Садиридин Ульмасович** — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги "А. Яссавий" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси отряди раҳбари

**Хожиев Акмал Жабборович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мутахассиси

**Юлдашов Хамид Урунович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 август

---

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ШҲТнинг навбатдаги саммити

Томонлар ШҲТда кузатувчи мақомига эга мамлакатларнинг ташкилот фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ташкилот такомиллаша борган сари унинг сафидан жой олиш ниятини билдирган давлатлар сони ҳам орта борди. Бу эса ШҲТнинг интеграция маконини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Албатта, хавфсизлик муаммоларини ҳал этмай туриб, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириб бўлмайди. Мажлисда Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан вужудга келган «ШҲТ — Афғонистон» мулоқот гуруҳи доирасидаги алоқаларга эътибор қаратилди. Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, мамлакат иқтисодиётини оёққа турғазиш, жумладан, транспорт инфратузилмаси ва қишлоқ хўжалигини тиклаш борасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Афғонистон табиий ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш, автомобиль ва темир йўлларни таъмирлаш, янгиларини қуриш, ирригация тизимларини барпо этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ШҲТ аъзолари билан ҳамкорликдан манфаатдор.

Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш йўлида халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз раҳбарининг Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан НАТОнинг Бухарест саммитида илгари сурган ташаббуслари ҳам халқаро ҳамжамият томонидан қизғин кутиб олинди.

Ислом Каримов ШҲТ доирасида ҳамкорлик изчил ривожланаётган бўлса-да, аъзо мамлакатларнинг улкан иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, кончилик, энергетика, логистика, транспорт коммуникациялари, социал инфратузилма, савдо ва сайёҳлик соҳаларида ишга солинмаган талай имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистондаги беқарорликка тўхталди. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш хавфсизликнинг энг муҳим омили бўлиб, бунга эришиш учун, аввало, энг мураккаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, бу мамлакатдаги кўп миллатли аҳолининг анъанавий диний ва миллий-маданий қадриятлари ҳамда урф-одатларини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратиш керак. Афсуски, халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, Афғонистондаги вазият ижобий томонга ўзгараётгани йўқ. Наркотик моддалар етиштириш суръати ошиб бормоқда. Бундан олинадиган даромад эса тинчлик ва барқарорликка асосий таҳдид ҳисобланган терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Мажлисда ШҲТ доирасида транспорт, энергетика, таълим, маданият ва қатор бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Музокара якунида Президентлар Душанбе декларацияси ва ШҲТ доимий органларининг фаолиятига доир қарорларни имзоладилар. Қўшма баёнот қабул қилинди. Шунингдек, терроризмга қарши қўшма машқларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги битимлар, ШҲТ Банклараро бирлашмаси билан Евроосиё Ривожланиш банки ўртасида шериклик муносабатларининг асослари тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда саммитда эришилган келишувлар ШҲТ минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

ШҲТ саммити ташкилотга аъзо мамлакатларнинг санъат фестивали билан якунланди.

ШҲТ саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик тамойилларига асосланади. Икки томонлама ҳамкорлик 2005 йилнинг ноябрида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ҳар томонлама ривожланиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Иқтисодий ва сармоявий йўналишдаги шериклик кўлами изчил кенгаймоқда. Бу йўналишдаги алоқалар қарийб барча соҳаларни қамраб олади. Ўзбекистон ташқи савдосининг қарийб 30 фоизи Россия ҳисобига тўғри келади. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2008 йилнинг дастлабки беш ойида 1 миллиард 609,7 миллион долларни ташкил қилди. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Россияга экспортида саноат маҳсулотлари ҳажми ошиб бораётгани диққатга сазовордир. Ўзбекистонда беш юздан зиёд, Россияда қарийб уч юз қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан ҳам учрашди. Президентлар ушбу мулоқот икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини яна бир карра муҳокамадан ўтказиш учун яхши фурсат яратишини таъкидладилар.

2006 йили Наврўз байрами арафасида Тошкентда ўтган Ўзбекистон — Қозоғистон саммити асносида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга келишиб олинган эди. Ушбу кенгашнинг 2007 йил ноябрда Тошкентда ўтган мажлисида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 2007-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси имзоланди.

Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар, ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан ҳам учрашди.

Ислом Каримов ўзбек ва тожик халқлари икки тилда сўзлашувчи бир халқ эканини, ушбу учрашув ўзаро муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Имомали Раҳмон оғир дамларда Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи кўрсатган ёрдамни Тожикистон халқи асло унутмаслигини қайд этди ва яна бир бор давлатимиз раҳбари билан Тожикистонда учрашиш ниятини билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларига доир масалалар, минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан фикр алмашилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Душанбе — Тошкент

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига йўллаш назарда тутилмоқда.

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг жамиятни янада демократлаштириш ҳамда янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашга қаратилган вазифаларни изчиллик билан ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши керак бўлган бир қатор қонунларини кўриб чиқдилар.

Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ қабул қилинган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бор. Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур Қонун фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини амалга оширишга, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлашга, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилашга, шунингдек, ижтимоий суғурта тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ишловчи фуқароларга давлат томонидан қонунчилик йўли билан кафолатлар таъминланишининг, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан жабрланганлар моддий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватланишининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиши ҳам айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган 2006–2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастурини бажариш юзасидан қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилар экан, у акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя этилишини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг бутун фонд бозорини кучайтириш ва ривожлантиришга қаратилганлигига алоҳида урғу берилди.

Қонунда ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдорини кўпайтириш, корпоратив бошқарув принципининг кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобдорлигини кучайтиришга доир қисмини такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ўз жамиятларини бошқаришдаги фаоллиги ва жавобгарлигини ошириш назарда тутилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, сенаторлар шуни таъкидладиларки, унинг нормалари ишда иштирок этувчи шахснинг иш юзасидан чиқарилган суд ҳужжатларига рози бўлмаган тақдирда назорат тартибида протест келтириш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариш соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларидаги мавжуд кемтикликни тўлдирмоқда. Кодекс шу йўналишда ариза билан мурожаат қилиш тартибини, ушбу ҳужжатнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талабларни, бундай аризани бериш мумкин бўлган, суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисоблаб чиқариладиган охирги муддатни, шунингдек, аризани кўриб чиқиш муддатини белгилайдиган $192^{1}$-модда билан тўлдирилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш асносида сенаторлар мазкур Кодекснинг 49-моддасига киритилаётган ўзгартишлар фуқаролар малакали юридик ёрдамдан баҳраманд бўлишларининг конституциявий кафолатларини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиб беришини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳимоячиси сифатида адвокат билан бир қаторда ҳар қандай шахс, шу жумладан, тегишли юридик маълумоти ва юридик хизмат кўрсатишга доир лицензияси бўлмаган шахс ҳам иштирок этиши мумкин эди. Ушбу норма фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини таъмин эта олмасди. Киритилган ўзгартишлар мавжуд кемтикликни жиноят ишида ҳимоячи сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатини аниқ белгилаб қўйиш орқали бартараф этмоқда. Хусусан, жиноят ишида ҳимоячи сифатида фақат адвокатлар, яъни зарур юридик билими ва бу соҳада иш тажрибаси бор шахслар иштирок этиши мумкин. Амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланганидан фарқли равишда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари фақат адвокат билан бир қаторда ишда ҳимоячи сифатида иштирок этишга қўйилиши мумкин.

Сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди. Қонун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатномасиз, яъни лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарлик белгилайдиган 165-модда билан тўлдиришни назарда тутади. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, бундай қилмишлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлади, аммо бундай жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейингина юзага келади. Амалдаги қонун ҳужжатларида эса лицензия олиниши шарт бўлган етмишдан ортиқ фаолият туридан фақат уч турдаги фаолият учун (радиоузатиш узелини ўрнатганлик ва ишлатганлик, кино ва видеомаҳсулотни прокат қилганлик, автомобиль транспортида йўловчи ташиганлик учун) маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, холос.

Айни бир вақтда муайян фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун маъмурий жавобгарликни тартибга солувчи умумий норманинг йўқлиги бундай ҳуқуқбузарликларга қарши курашда жиноят-ҳуқуқий воситалардан талаб даражасида фойдаланиш имконини бермаётир. Кодексга киритилаётган қўшимчалар, мажлисда қайд этиб ўтилганидек, ишлаб чиқариш ва савдо-иқтисодий фаолият самарали ривож топишини, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ишончли тарзда ҳимоя этилишини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хизмат вазифасига жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш кирадиган мансабдор шахси жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яширганлиги учун жиноий жавобгарлик белгилайдиган $241^{1}$-модда билан тўлдириш назарда тутилаётганлиги айтиб ўтилди. Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган бошқа ўзгартишларга кўра, Жиноят кодексининг элликта моддасида назарда тутилган, илгари тергови прокуратура органларига тегишли бўлган жиноятлар бўйича тергов олиб бориш иши ички ишлар органларига ўтказилмоқда. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, бу қонунчилик чораси жиноят ишларини тергов қилишда тезкорликни таъминлашга, сифатни оширишга ёрдам беради, прокуратура органларига эътиборни зиммаларидаги муҳим вазифани, яъни инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя этилиши, қонунлар аниқ, оғишмай ва қатъий ижро этилиши устидан назорат олиб бориш вазифасини бажаришга кўпроқ қаратиш имконини беради.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритилган бошқа бир қанча ўзгартишлар прокурорнинг, тергов органларининг жиноят ишларини тергов қилишдаги ваколатларининг янада пухтароқ тартибга солинишини таъминлашга қаратилган бўлиб, инсон, жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқлари ишончли тарзда ҳимоя этилишига ёрдам беради.

«Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар мазкур Қонун музей муассасаларининг фаолиятини, уларнинг мулк шаклидан қатъи назар, тартибга солишга, Миллий музей фондини ҳимоя этиш ва бойитишга қаратилганлигини алоҳида қайд этдилар.

Ушбу Қонун халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий меросини сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда, фуқароларни, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик, Ватанга ва миллий анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнаши лозим.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, сенаторлар шуни таъкидладиларки, мазкур Қонун билан киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар жиноий жазоларни янада либераллаштириш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси $186^{1}$-моддасининг биринчи қисмига киритилаётган ўзгартишлар этил спирти, алкоголли маҳсулот ёки тамаки маҳсулоти қонунга хилоф равишда анча миқдорда ишлаб чиқарилган ёки муомалага киритилган тақдирда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган тақдирда, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланишини назарда тутмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Кодекс, хусусан, ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш тарзидаги жавобгарликни белгилайдиган «Этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш» деб номланган $186^{1}$-модда билан тўлдирилмоқда.

Жиноий жазоларни либераллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Озодликдан маҳрум қилиш» деб номланган 85-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларидан унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун уч йилгача озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо белгилашни ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар учун тўрт йилгача озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо белгилашни назарда тутувчи бандлар чиқариб ташланмоқда.

Кўриб чиқилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаммаси сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Президентимиз Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн етти йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар қаторида ҳамкасбимиз — «Народное слово» газетаси масъул котиби Людмила Михайловна Кучеренко «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси Л. Кучеренкони Ватанимизнинг юксак мукофоти билан самимий табриклайди, келгуси ижодий ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

# ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилингунга қадар ҳаракати инобатга олинади.

Сенат амнистия тўғрисидаги қарорни эълон қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлари олий қадрият эканлиги ҳақидаги қоидаларига таяниб иш кўрганлигини айтиш жоиз.

— Ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шарти асосий ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланиши ҳисобланиб, жамиятда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган тизим яратилиши алоҳида аҳамиятга эга, — дейди сенатор Мамазоир Хўжамбердиев.

Тарихан қисқа давр мобайнида юртимизда инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш борасида Президентимиз раҳнамолигида улкан ишлар амалга оширилди, тегишли қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Чунончи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига Ўзбекистоннинг қўшилиши бу йўналишдаги изчил саъй-ҳаракатларимизнинг тасдиғидир. Мазкур халқаро ҳужжат қоидалари Конституциямиз ва қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Сенат томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор, шубҳасиз, давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг умумэътироф этилган тамойилларига содиқлигини намоён этади. Жорий йил 1 майда Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши фикримиз исботидир.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига дахлдор 68 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу борада қабул қилинган олтита асосий халқаро ҳужжат иштирокчисига айланди.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнини изчил амалга ошириш инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатидир. Мазкур жараёнда жиноятлар таснифи бутунлай ўзгартирилди. Яъни, оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноятлар рўйхати қисқартирилди. Натижада 2007 йилда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган шахсларнинг сони 2000 йилдагига нисбатан 2 баравар камайди. Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига 138 нафар маҳбус тўғри келади. Бу энг ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча камдир.

Юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг суд томонидан ҳимояланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида судларнинг жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши амалга оширилди, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш институтлари ҳамда ярашув институти жорий этилди. Прокурор ва адвокатлар ҳуқуқларини тенглаштиришни таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

2008 йил бошидан Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

— Маълумки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар самарали фаолият олиб бормоқда, — суҳбатимизга қўшилади сенатор Сурайё Одилхўжаева. — Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратурада ташкил этилган махсус бўлинмалар шулар жумласидан. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажариб келмоқда.

Амнистия тўғрисидаги қарор ижросини ҳамда унинг амалда татбиқ этилиши жараёнида жамоатчилик назорати ва ошкораликни таъминлаш мақсадида жойларда сенаторлар, Омбудсманнинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилади. Уларнинг таркибига, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари киритилади.

Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг эзгулик, инсонпарварлик ва адолат ғояларига содиқлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган шахслар, одатда, амнистияни умид билан кутишади. Зеро, улар давлатимизнинг инсонпарварлигига ишонадилар. Бундай умид ва ишонч эса уларни яхши тарафга ўзгаришга ундайди.

— Яна бир янгилик сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳларнинг ташкил этилиши саналади, — дейди сенатор Шавкат Авезов. — Уларнинг асосий вазифалари жазони ижро этиш муассасаларида бўлиш, маҳбуслар билан суҳбатлар ўтказиш, уларнинг шахсий ишлари билан танишиш, амнистия тўғрисидаги қарорни қўллашга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш, амнистия туфайли озод этилган шахслар билан олиб борилаётган ишларни мониторинг қилиш ҳамда ушбу қарор ижросини оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил этишдан иборат.

Бунда улар суиистеъмоллик, амнистия ҳақидаги қарорни нотўғри қўллаш ёки рад этиш каби ҳолатларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратадилар.

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида инсонпарварлик тамойилига асосланган, инсон ҳуқуқлари борасида халқаро меъёрларга мос келувчи, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, шунингдек, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига суянган ҳолда сиёсат олиб борилмоқда.

Амнистия тўғрисидаги қарор эҳтиётсизлик оқибатида қонунга хилоф ҳаракатга йўл қўйган, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган юзлаб одамларнинг ўз оиласи бағрига қайтиши учун имконият яратади.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, бу ҳужжат халқимизга хос бўлган одамийлик, меҳр-мурувват, кечиримлилик ва бағрикенглик каби эзгу хислатларни ўзида акс эттирган.

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси биринчи иш кунида кун тартибидаги бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Пўлат ДОНИЁРОВ, Машкура ЗОҲИДОВА, Сауле АЗИМБЕТОВА.**

# МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлигининг қўмондони вазифасини бажарувчи генерал-лейтенант Мартин Дэмпси раҳбарлигидаги делегация 28 август куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Руслан Мирзаев билан учрашди.***

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда, жумладан, ҳарбий йўналишда ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва АҚШ терроризмга, экстремизмга, наркотик моддалар контрабандаси ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради, — деди Мартин Дэмпси. — Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни АҚШ делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА).**






▼ Танлов

***Кеча Тошкентда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан ўтказилаётган «Ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

## Ёш тадбиркорлар беллашуви

Мазкур танлов «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида уюштирилди. Ундан кўзланган мақсад, тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг, айниқса, қишлоқ ёшларининг микрокредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, берилаётган микрокредитлар ва микролизинг хизматлари самарадорлигини оширишдир.

Айтиш жоизки, «Микрокредитбанк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўрта махсус касб-таълим маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари тегишли ташкилотлар билан биргаликда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг натижасида жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, касб-ҳунар коллежларининг 335 нафар битирувчисига 454 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, жорий йилнинг 7 ойи мобайнида ёшларга жами 7,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилган бўлса, ушбу маблағнинг 4,6 миллиард сўми тадбиркорлик билан шуғулланиш учун йўналтирилди.

Кўрик-танловнинг саралаш босқичида 385 нафар ёш тадбиркор ўз лойиҳалари билан иштирок этди.

Якуний босқичга чиққан иштирокчилар орасидан биринчи ўрин Қарши шаҳридаги «Ясен сервис» маиший хизмат кўрсатиш корхонаси раҳбари Ҳасан Муродовга насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

TRAST BANK

Азиз элдошлар!

# ХОАББ «TRAST BANK»

барчани
Мустақиллигимизнинг
17 йиллиги билан қутлайди!




*Оилангизга тинчлик, хотиржамлик,
осойишталик тилайди!
Халқимизнинг бунёдкорлик сари қўйётган
қадамлари мустаҳкам, келажак сари илдамлаётган
ёшларимизнинг мақсадлари барқарор бўлсин!
Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин!
Юртимиз озод ва фаровон, халқимиз
дастурхони янада тўкин-сочин бўлсин!
Ҳаммамиз ўйлаган эзгу ниятларимизга етайлик!*

fido-biznes

# «FIDO-BIZNES»

компанияси
азиз ватандошларимизни,
ҳамкорларни
ва ҳамкасбларни
республикамиз
Мустақиллигининг
17 йиллиги
билан
табриклайди!



*Барчага мусаффо осмон, мустаҳкам
соғлиқ, омад, муваффақият ва равнақ ёр
бўлишини истайди!*

# «Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси

барча юртдошларимизни энг улуғ,
энг азиз байрамимиз —
Мустақиллигимизнинг
17 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!



Азиз ватандошлар!

Ҳамма-ҳаммангизга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик, оилавий бахт,
бунёдкорлик ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз!

Истагимиз шуки, Ўзбекистон номи бахт
ва эзгулик диёри сифатида дунёга
таралаверсин!

Жонажон юртимиз гуллаб-яшнасин,
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!






kdb
UzKDB Bank
Ҳурматли ватандошлар!
«ЎзКДБ Банк» ЁАЖ жамоаси
энг улуғ айём — Мустақиллик байрами билан бутун Ўзбекистон халқини чин дилдан муборакбод этади!


Ипак йўли банки
«Ипак йўли» банки жамоаси
Ўзбекистон халқини республика
Мустақиллиги куни
билан табриклайди!
Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ҳамда улкан муваффақиятлар тилайди!


PETRONAS
«PETRONAS» компанияси
Ўзбекистон халқини Республика
Мустақиллигининг 17 йиллиги
муносабати билан чин қалбдан
муборакбод этади!

# «ИПОТЕКАБАНК»

IPOTEKA BANK

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ



Байрам арафасида миллий валютада 1 ойдан 12 ойгача қабул қилинадиган, йиллик 18 фоиз ҳисобидан даромад тўланадиган

## «Мустақиллик»

муддатли омонатини таклиф этади!

«Мустақиллик» муддатли омонати бўйича фоиз тўловлари ойма-ой тўлаб берилади ёки олинмаган фоизлар капитализация қилинади.

Ушбу омонатга исталган вақтда қўшимча киритиш ва 3 ой сақлангандан сўнг тўлиқ қайтариб олиш мумкин, бунда омонат шартлари бузилган ҳисобланмайди ва фоиз тўловлари йиллик 18 фоиз ҳисобидан ҳар бир сақланган кун учун тўланади.

«Ипотекабанк» «Мустақил юрт» ютуқли омонатини ҳам эълон қилади.

— *ютуқлар 50 хил миқдордаги пул мукофотларидан иборат;*
— *ютуқлар миқдори омонатчилар сонининг ўсишига қараб ошиб боради;*
— *ютуқли тиражда қатнашиш билан бирга, омонатларга йиллик 12 фоиз миқдорида даромад тўлаб берилади;*
— *омонатга қўйилган маблағлар ҳисобидан олинган даромадингиз ва ютуқ маблағларингиз солиққа тортилмайди;*
— *омонатларга доир маълумотлар сир сақланади.*

«Мустақил юрт» омонати бўйича ютуқлар тиражи 2008 йил ноябрь ойининг биринчи ярмида ўтказилади.



**«Ипотекабанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

# Қадрли ҳамюртлар!

*Бутун Ўзбекистон халқини улуғ ва азиз айём —*

*Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги билан муборакбод этамиз!*

*Ёшлар йилидаги барча эзгу истакларингиз рўёбга чиқсин ва бу кейинги йиллардаги хайрли ишларнинг дебочаси бўлсин.*



## «Қўнғирот ун заводи»

**ҳиссадорлик жамияти жамоаси.**

*Азиз юртдошлар!*

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»

MIKROKREDITBANK

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

*сизларни энг улуғ ва энг азиз байрам — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этади!*



## 2008 йил – Ёшлар йили

Оиласи учун доимий даромад манбалари яратишга бел боғлаб, тадбиркорликни бошлаётган ёш оилаларга «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда микрокредитлар ажратади.



Шунингдек, ёшлар ташкил этган микрофирмалар, кичик корхоналарни ривожлантириш ва айланма маблағларини тўлдириш мақсадида (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставка бўйича) 24 ойга, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда микрокредитлар беради.

Ёшлар ташкил этган оилавий ишлаб чиқариш корхоналарига 3 йилгача бўлган муддатга (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда микролизинг хизматлари кўрсатади.

**ТАКЛИФ СИЗДАН — САРМОЯ БИЗДАН!**

Ўзбекистон Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида жисмоний шахслар учун бирмунча қулайликларга эга бўлган

**«Истиқлол» номли**

янги муддатли омонат турини жорий этди.

**Шунингдек, «Микрокредитбанк» турли имтиёзлар ва қулайликларга эга бўлган «Она юрт», «Ёшлик», «Омад», «Муддатли-мақсадли», «Иқбол», «Нурафшон», «Мафтункор», «Тақдим этувчига», «Антиқа», «Сармоя», «Шифокор» сингари кўплаб омонат турларини ҳам таклиф этади.**

**Омонатга қўйилган маблағингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 273-28-11, 273-43-11, 273-15-81.**
**Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

## Айём шукуҳи




**Деҳқонободдаги калийли ўғитлар заводи мутахассислари учун барпо этилаётган Ишчилар шаҳарчасида дастлабки тураржой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

**Яъни, Мустақилликнинг 17 йиллик байрами арафасида 20 ўринли меҳмонхона, 50 ўринли ётоқхона ва ўн хонадонга мўлжалланган 5 та коттеж қурилиши ниҳоясига етказилди.**

# Бешбулоқнинг янги қиёфаси

Барча қулайликларга эга бу биноларни «Қашқадарёнефтгазқурилиштаъмирлаш» очиқ акциядорлик жамияти қурувчилари бунёд этдилар. Қисқа муддатда 3 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Тоғли Бешбулоқ қишлоғи аҳолиси «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг «Деҳқонобод» бекати қурилиши туфайли замонавий инфратузилманинг барча воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган эди. Гўзал ва бежирим бинолар эса қишлоққа шаҳарча тусини бермоқда.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Овул болаларига совға

***Қўнғирот туманидаги 33-умумтаълим мактаби қошида янги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

— Гарчи мактабимиз 2006 йили тўла таъмирдан чиқарилган бўлса-да, спорт залимиз йўқ эди, — дейди мактаб директори Зулайҳо Хўжаниёзова. — Мана, орзуимиз ушалиб, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ажратган 102,5 миллион сўм маблағ эвазига ажойиб спорт залига эга бўлдик.

Тендер орқали ютиб олинган ушбу объектни «Қўнғиротдеҳқонқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг моҳир бунёдкорлари қуриб битказишди. Яқинда бу ерга 11 миллион сўмлик 37 турдаги спорт жиҳозлари ўрнатилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Йўлсозлар туҳфаси

***Наманганлик йўлсозлар энг улуғ, энг азиз байрамимизни бир қатор автомобиль йўлларини сифатли таъмирдан чиқарган ҳолда кутиб олишаяпти.***

Вилоятдаги автомобиль йўлларининг катта қисми қишлоқлар ҳудудини кесиб ўтган. Кейинги пайтларда уларни реконструкциялаш ва мукаммал таъмирлашга эътибор кучайтирилмоқда. Жумладан, йил бошидан буён Тўрақўрғон, Чортоқ, Поп, Норин туманларидаги ички йўлларнинг 38 километр узунликдаги қисмида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳайдовчи ва йўловчиларнинг бехатар ҳаракати учун қўшимча имкониятлар яратди. Умуман олганда, тармоқ вакиллари томонидан ҳозиргача 9,2 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ ўзлаштирилиб, ўндан зиёд лойиҳалар ниҳоясига етказилди. Куни кеча вилоят марказидаги 6 километрлик яна бир йўлнинг тақдимоти бўлди. Қ. Отамирзаев кўчасида реконструкциядан чиқарилган бу йўлда автомашиналар энди бир йўла тўрт қатор бўлиб ҳаракатланади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ҳар гал сафарга отлансам, қутлуғ 85 баҳорни кўрган онажоним: «Болам, йўл юрсанг, эл танисанг, бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қил. Илоҳо омин, йўлингни берсин», дея дуога қўл очадилар. Дарҳақиқат, юрган одам қалбан улғаяди. Ўзингдан оқилларни, одилларни, бахтлиларни кўрсанг, ҳавасинг, ғайратинг ортади. Йўл юрган одам шу она-заминни обод қилаётганларга рўбарў келади. Беихтиёр: «Мен ҳам бирор туп ниҳол экдимми, битта ғишт қўйдимми?» деган ўй кечади дилидан.***

**Водийларни яёв кезганда**

# ФИДОЙИ ИНСОНЛАР ДАВРАСИДА

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги нишонланаётган ушбу қутлуғ йилда мамлакатимизнинг талайгина вилоятларига бориш насиб этди. Куни кеча чўл бағрида юз очган Сирдарё вилояти сафаридан қайтдик.

Сирдарёликлар чеҳрасидаги нур, тилларидаги бол халқимизнинг бобомерос мезбонлигига хос. Бугунги кунидан рози, эртасига ишончи юксак одамларнинг қадам олишлари шаҳдам, сўзлари кескир. Уларнинг суяги чўлда қотган-да.

Гапнинг рости, бугунги Сирдарёни чўл десак, ҳақиқий аҳволни ифодаламаган бўламиз. Сабаби, Боёвут туманидаги чинорлару тераклар ўз салобатига кўра, водий вилоятлари билан бўйлашадигандек. Гулистонликлар эса гул экишни наманганликлардан ўрганишибди, чоғи: бугунги Гулистон шаҳри ўз номига муносиб. Кундузи меҳр, оқшом гўзаллик чироғини ёқаркан Гулистон аҳли. Шаҳарда қад ростлаган муҳташам маънавият кошонаси бошқа вилоятларнинг маънавиятчиларига ибрат бўлгулик.

Ховос туманида бўлиб, миллатлараро тотувликнинг ёрқин намунасидан кўксимиз тоғдек кўтарилди. Боиси, ўзбеклар қатори чеҳрасида нур балқиб турган рус, тожик, татар, корейс, чуваш, немис миллатларига мансуб, Ўзбекистон фуқаролигидан ифтихори ўзига сиғмаган ҳамюртларимиз суҳбатидан баҳраманд бўлдик.

Халқ демократик партияси туман кенгаши раиси Назокат Эрматова сўзлари бийрон, жисму жонидан шижоат ёғилиб турадиган аёл экан. Опанинг бир гапи бизни ҳаддан зиёд қувонтирди.

— Ҳалима ая Шерматова ховослик аёлларнинг онахони, — дейди у. — Саксонни қоралаб бораётган бу онахонимиз узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, одамлар қалбида ишонч чироғини ёққан. Ая яқинда шифохонада даволандилар. Менга телефон қилиб: «Бир оз зерикяпман, китоб олиб келиб берсангиз», дедилар. Мен Президентимизнинг иш столимда турган «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини олиб бориб бердим. Икки кундан кейин Ҳалима аяни яна зиёрат қилдим. Ая ўзига сиғмасди:

— Қизим, менга айнан Юртбошимизнинг ушбу китобини олиб келганинг учун раҳмат. Аввало, қўлимдан қўймай ўқиб чиқдим. Рости, яйраб кетдим. Биз, кексаларга ҳам маънавий қувват берадиган, ғайратимизни оширадиган китоб ёзибдилар.

Биз Ширин шаҳрида, Сайхунобод, Сирдарё, Сардоба туманларининг кўплаб қишлоқларида, маҳаллаларда бўлганимизда ҳам фақат мустақиллик ато этган бахту саодатдан шукроналик туйган, ўз меҳнати билан юзлари ёруғ сирдарёликларнинг хуш каломларини эшитдик.

Бугун Сирдарёда, республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида бўлганидек, ўнлаб янги мактаблар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари қад ростлаяпти. Ҳукумат томонидан шу мақсадларга миллион-миллион сўм маблағ ажратиляпти. Маданий-маиший, маъмурий бинолар ҳам талайгина. Булар ҳақда алоҳида фахру ифтихор билан ёзиш мумкин.

Меҳнат инсонни улуғлайди, айни пайтда уни элга қўшади. Сирдарёлик фермер ғаллакорларнинг шижоати ўзгалардан кам эмас. Биргина мисол: Боёвут туманидаги «Ҳайитқул» фермер хўжалиги гектар ҳисобига 110 центнердан, Ховос туманидаги «Одил Али» фермер хўжалиги 90 центнердан, Сардоба туманидаги «Чўлда баҳор» фермер хўжалиги 85 центнердан, Гулистон туманидаги «Мирзамиддин ота» фермер хўжалиги 60 центнердан ҳосил етиштирдилар. Юзлаб фермерларнинг уйлари донга, кўкси ғурурга тўлди. Топгани ўзига буюрган одамнинг қадди ҳамиша тик бўлган. Мустақиллигимиз туфайли бундай шарафдан баҳраманд минг-минглаб фермерларимиз бугун эл фаровонлиги йўлида тер тўкишаяпти.

«Яхшилик қил, яйраб яшайсан». Онам бу сўзни тез-тез такрорлайдилар. «Болам, савобдан толиқма, шуни унутмаки, яхшилик одамни яйратади. Зеро, изингдан қилинган дуода ҳикмат кўп», дейдилар яна.

Дарҳақиқат, асрлар оша яшаб келаётган қадриятларимизнинг асосида эзгулик ётади. Қалбида эзгу ниятлар балқиб турган одам, аввало, иймонли, эътиқодли, ўқиган, уққан, тили, дили бир бўлади. Ота-боболаримиз том маънода бу хуш фазилатларнинг ҳақиқий эгаси бўлганлар. Шу боис ҳам Юртбошимиз «Аслинг ким эди?» деган саволга жавобни аждодларимизнинг руҳи тоза сиймоларидан қидиради. Барча топганларини бугунги авлодга илинади.

«Бугун ўзинг кимсан?» деган саволни юртнинг ҳар бир фуқароси дилидан ўтказсагина, жамиятдаги ўрнига назар солади.

«Эртага ким бўлмоқчисан?» Бу савол фарзандларига камол истаган отанинг қалб нидосидир. Ким бўлиш — шунчаки ширин орзулар гирдобида беҳуда сузиш эмас, балки илму ҳикматни, ақлу фаросатни, машаққату матонатни қалбида чироқ қилган, мақсаду муддаоси, борар манзили аниқ инсоннинг ҳаётдаги олий нияти бўлмоғи лозим. Глобаллашув даврининг мураккаб томонлари шундаки, бугун ёшларимизнинг қалб кўзларини тиндириб юборадиган воқеа-ҳодисалар замонида яшаяпмиз. Фарзандларимизнинг юракларини шафқатсиз бўлишдан асраш учун яхшиликдан яйратишга ўргатмоғимиз керак. Зеро, қуш уясида кўрганини қилади.

Бир сўз билан айтганда, яхшилик қилиш, беминнат савобдан ҳузурланиш, юк кўтарганга елка тутиш — ҳар биримизга ота мерос фазилат. Ота ризолигида Ҳақнинг ризолиги бор. Халқнинг ҳурматида эса инсонлик бахтидан балқиш мужассам.

Мустақиллик очган эшик ҳар биримиз учун яхшиликка, меҳру оқибатга, илму ҳикматга, айни пайтда ориятимиз учун очилган эшикдир. Орият эшигини юзга ёпмайдилар. Бу эшикда қадримиз қалқон бўлсагина, келажак авлодлар биздан фахру ифтихор қиладилар.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

**Тадбир**



***Бухоро шаҳридаги Сомонийлар боғида «Табаррук замин саховати» деб номланган қовун сайли ўтказилди.***

# Қовун сайли

Анъанага айланиб қолган бу галги тадбирда элликдан зиёд фермер хўжалиги ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Сайилда қовуннинг 52 хил навини кўриш мумкин эди. Хусусан, Жондор, Ғиждувон, Шофиркон туманлари фермерлари етиштирган ширин-шакар қовунлар шаҳарликлар ҳамда хорижий сайёҳлар эътирофига сазовор бўлди. Биринчи ўрин Жондор туманидаги «Элмурод, Дўстмурод, Шаҳриёр» фермер хўжалигига берилди. Ғолиб рангли телевизор билан тақдирланди. Шунингдек, ўндан зиёд фермер хўжалиги ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 16 августдан 22 августгача бўлган маълумот**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. "Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" Ўзбекистон *Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сонли, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 26 июндаги 13-сонли қарори.*

**2008 йил 15 августда 1842-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 25 августдан кучга киради).**

2. "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида" *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 7 августдаги 29, 85-сонли қарори.*

**2008 йил 16 августда 1843-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 августдан кучга киради).**

3. "2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 21 июлдаги 3-сонли қарори.*

**2008 йил 16 августда 1748-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 августдан кучга киради).**

4. "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2008 йил 17 июлдаги 210-сонли буйруғи.*

**2008 йил 16 августда 1256-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 августдан кучга киради).**

5. "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" *Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2008 йил 13 августдаги 15-сонли баёни.*

**2008 йил 21 августда 1844-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 31 августдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1780, 2008 йил 26 март).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 16 августдаги 173-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида иккинчи таълимни олиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 794, 1999 йил 6 август).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 21 августдаги 176-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**







Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.00 Топширилди — 04.30 1 2 3 4 5 6 8